

Ялпи худудий маҳсулот ишлаб чиқариш


Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-декабрда ишлаб чиқарилган ялпи худудий маҳсулотнинг (ЯХМ) ҳажми 10541,8 млрд. сўмни ташкил этди ва 2015 йилнинг январь-декабрга нисбатан ўсиш суръати 5,9 фоизга тенг бўлди.

2016 йил январь-декабрь ойларида ЯХМ дефлятор индекси 110,4 фоизни ташкил қилди.

Январь-декабрь ойларида вилоят ялпи худудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўмда		2015 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2015 йил	2016 йил	
I. Ялпи худудий маҳсулот, жами	9019,4	10541,8	105,9
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	8678,0	10106,3	105,9
Маҳсулотларга соф солиқлар	341,4	435,5	105,6
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	8678,0	10106,3	105,9
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1458,8	1632,9	107,1
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	5029,5	5846,6	104,0
саноат	4583,6	5296,7	103,5
қурилиш	445,9	549,9	109,3
Хизматлар	2189,7	2626,8	109,4
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	473,4	570,9	112,4
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	629,9	761,1	106,1
бошқа хизматлари	1086,4	1294,8	110,0

Январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):



Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (112,4%), бошқа соҳа хизмати (110,0%) ва қурилиш (109,4%) хизматлари тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 37,6 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2015 йил январь-декабрга нисбатан 0,5 фоизли бандга ошди.

2016 йил январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 26,0 фоиз (2015 йил январь-декабрда 25,3 фоиз)ни ташкил қилди.

